Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 29-iyun, shanba № 78 (3271)

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳасида хизмат қилаётган инсонларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан муборакбод этишдан ва барчангизга ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан хурсандман.

27 июн куни — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни деб эълон қилинган бу санага бу йил роппа-роса йигирма йил тўлаётгани нафақат соҳа хизматчилари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз томонидан мамлакатимизда қутлуғ байрам сифатида нишонланаётгани ҳаммамизга катта мамнуният етказади.

Ҳеч шубҳасиз, ана шу тарихан қисқа даврда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари жамиятимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, замон талабларига жавоб берадиган демократик янгиланишларнинг кўзгусига, одамларимизни, кенг оммани янгича фикрлашга, маънавий уйғоқликка, онгу тафаккуримизни ўзгартиришга даъват этадиган қудратли кучга, қисқача айтганда, кундалик ҳамроҳимизга айланиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Юртимизда янги ҳаёт қуриш, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз эришган барча-барча ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган улкан ўзгаришларда сиз, азизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири ортиб, халқимиз ўртасида «Тўртинчи ҳокимият» сифатида тобора катта ишонч ва ҳурмат қозониб бораётган экан, бунинг негизида авваламбор журналистлар, кўп ҳолатларда кўзга ташланмайдиган камтарин муҳаррирлар, ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот-коммуникация тармоқларининг мингминглаб заҳматкаш ишчи-хизматчиларининг кундалик оғир ва сермашаққат меҳнати мужассам, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода этган бўламан.

Шу борада жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни бўладими, узоқ келажаги ва порлоқ уфқлари бўладими, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтаришдек юксак марраларни кўзлаган қонунларимиз, дастурларимиз бўладими – буларнинг барчасини амалга ошириш учун халқимизга очиқ ва равшан қилиб етказиш, эл-юртимизни сафарбарликка чорлаш, руҳини кўтариш йўлида матбуот ва ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Ва бу оғир юкни, бундай масъулиятли вазифани сиз, азиз дўстларим шараф билан ўз зиммангизда, ўз елкангизда кўтариб келмоқдасиз.

Матбуот, телевидение, турли информация воситаларининг — бугунги глобаллашув замонида жаҳон миқёсида барча-барча ўлкалар ва халқлар ҳаётида ҳал қилувчи ўрин олаётган бу соҳанинг тобора ошиб бораётган аҳамияти ва таъсири ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугунги кунда жамият, фуқаролик институтлари, қолаверса, ҳар қайси инсоннинг ҳаёти айнан ахборот-коммуникация соҳалари билан узвий ва чамбарчас боғланиб бораётганини инобатга олмайдиган мамлакат ўз ривожида умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетиши ва интеллектуал бойлигидан жудо бўлиши табиийдир.

Ҳаётда ўз тасдиғини топган ана шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш учун уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва нуфузини ошириш, машаққатли меҳнатини рағбатлантириш мақсадида марказий ва ҳудудий теле-радиоканаллар, вилоят ва туман газеталарида, мавжуд 150 дан зиёд нашриёт, 1630 дан ортиқ матбаа корхонасида кенг кўламли ислоҳотлар, техник ва технологик янгилаш жараёнлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар берилгани, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар бугунги кунда ўзининг катта амалий самарасини бермоқда.

Айни вақтда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Фақатгина жорий йилнинг ўзида бу борадаги кўрсаткични 42 фоиздан 45 фоизга етказиш кўзда тутилаётгани айниқса эътиборлидир.

Жумладан, охирги вақтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида «Маданият ва маърифат», «Дунё бўйлаб», «Болажон» телеканаллари ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг салоҳияти тобора ўсиб бораётганининг тасдиғини юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан қарийб 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етгани, фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи шаклланиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, анъанавий ахборот тизимлари билан бирга интернет сайтлари, интернет-радио, интернет-телевидение ҳам ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон теле-радио каналлари томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар глобал тармоқ орқали реал вақт режимида дунёнинг кўплаб давлатларига узатилаётгани, юртимиз оммавий ахборот воситаларининг аксарияти интернетда ўз веб-сайтига эга экани мамлакатимизнинг халқаро медиамакондан муносиб ўрин эгаллаши учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги байрам кунида нафақат ана шундай ижобий натижалар ҳақида сўз юритиш, балки матбуот ва оммавий ахборот воситаларимизнинг олдида турган долзарб вазифалар, йўлимизда ҳали-бери тўсиқ-ғов бўлиб, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳақида холисона ва атрофлича фикр алмашиб олишимиз айни муддао бўларди.

Шу маънода, маънавий ҳаётимизни, бу йўналишда олиб бораётган сиёсатимизни, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожлантириш мақсадида бизнинг ўзлигимиз, ҳаёт ва тафаккур тарзимизнинг ифодаси бўлган миллий қадриятларни кўз қорачиғидек асраб, шу билан бирга, жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таяниб, уларни ўзлаштириб иш олиб боришимиз зарур. Ва айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тамойилларини ташкил қилиши керак.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ана шу талабларга жавоб бера оладиган, эски тузум асоратлари ва қолипларидан бутунлай холи бўлган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, чет тилларни пухта эгаллаган журналистларнинг янги авлоди шаклланиб келаётгани барчамизни қувонтиради.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот майдонида ўзини муносиб намоён эта олиши бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга. Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани амалга оширишда давлатимиз, бутун жамиятимиз, шахсан ўзим зарур кўмак ва рағбатлантириш чораларини кўришга, сиз, журналистларнинг олдингизда пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргалашиб ечишга тайёр эканимни билдиришни истардим.

Барчамизга яхши аёнки, эл-юртимиз, жамиятимиз журналистлар фаолиятига авваламбор уларнинг ўз Ватани, ўз халқи ҳаётига дахлдорлик туйғуси, гражданлик позицияси, ижтимоий масъулиятига қараб баҳо беради ва ўйлайманки, бу энг тўғри ва ҳаққоний баҳодир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги нотинч ва таҳликали замонда юртимиздаги тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаётни асраш ва мустаҳкамлашда сиз, азиз журналистлардан халқимиз янада кўпроқ фаоллик ва жонбозлик кўрсатишни кутишга ҳақлидир. Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, бизнинг қандай буюк тарих ва меросга эга эканимизни англаб, ана шу бебаҳо бойликни қадрлаб яшайдиган, биз бошлаган улуғ ишларнинг муносиб давомчилари бўлган инсонлар этиб вояга етказишда матбуот аҳлининг ҳаққоний сўзи, унинг таъсири ғоят муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун юртимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрамини кенг нишонлар эканмиз, миллий журналистикамиз ривожи йўлида ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча инсонларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор самимий табриклайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Юксак рағбат ва эътибор — фаоллик омили

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларни янада эркинлаштириш, амалга оширилаётган ислоҳотларни оммага очиқ, холис ва тезкор етказиш — давр тақозоси.

Мустақиллик йилларида миллий оммавий ахборот воситалари фаолияти сифати ва таъсирчанлигини, журналистлар маҳоратини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибордан мақсад — халқимизнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда она юртимизни асраб-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу жиҳатлар 27 июн куни мамлакатимизда кенг нишонланган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни тадбирларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Шу куни Тошкентдаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун байрам сайллари ташкил этилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган байрам тадбирида вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, журналистлар, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан

Фахр-ифтихоримиз тимсоли

1 июл — Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўм муомалага киритилган кун

Президентимиз Ислом Каримов 1991 йил 31 августда имзолаган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда истиқлолимизнинг энг муҳим тамойиллари ўз ифодасини топган. Унинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги — миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлини танлаган илк кунлардан бу масалага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Негаки иқтисодий қарамликдан халос бўлмай тўла мустақилликка эришиш қийин. Бунинг учун кўплаб давлатлар узоқ ва машаққатли йўл босиб ўтган. Собиқ тузум даврида юртимиз фақат хомашё ҳудуди сифатида марказга «ипсиз боғлаб» қўйилган, халқимиз кескин ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида қолган эди.

(Давоми 3-саҳифада).

ПЛЕНУМ

Ташкилий масала кўрилди

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Илгари «Ўзагросуғурта» ДАСК вилоят дирекцияси директори вазифасида ишлаган Фарҳод Хидиров Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасига сайланди.

Пленумда ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева, вилоят ҳокими ўринбосари Воҳид Раҳимов иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетларини муомалага чиқариш тўғрисида

2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 5000 сўм бўлган янги пул билетларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари 144 x 78 мм. ўлчамдаги ҳимояланган қоғозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва «5000» рақами кўринишида сув белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қоғоз қатламида голографик эффектли ичкарига ботувчи ҳимоя ипи ўтказилган.

(Давоми 2-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

НАВОИЙ

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида Навоий кон-металлургия комбинати жамоасида бир қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Уйлар муборак!

Яқинда Зарафшон Марказий кон бошқармасида фаолият юритаётган 48 нафар ёш мутахассис янги уйларга кўчиб ўтди. Тантанали тадбирда НКМК давлат корхонаси бош директори, сенатор Қувондиқ Санақулов бахтиёр ёшларга янги уйлар калитини топширди. Шунингдек, уларга қимматбаҳо совғалар тухфа этилди. Бош директор ёш оилалар ва мутахассислар ҳамиша эътиборда экани, улар учун яна Зарафшон шаҳрида 2 та, Учқудуқ шаҳри, Заркент қўрғонида ҳам шундай кўп қаватли уйлар қурилаётганини таъкидлаб ўтди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

БУХОРО

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро вилоят ҳудудий бўлинмаси матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг иштироки» мавзуида семинар ўтказди.

Ўзаро фикр алмашилди

Тадбирда сўзга чиққанлар «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш, аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари ўсишини таъминлаш, манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатишни кенгайтириш, соғлиқни сақлаш тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялаш ҳамда таълим-тарбия сифатини янада ошириш каби муҳим масалаларга жиддий эътибор қаратдилар.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

СИРДАРЁ

Гулистон туманида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Замонавий мажмуа

Аҳмад Яссавий номидаги маҳаллада барпо этилган замонавий спорт комплексида енгил атлетика, бадиий гимнастика, кураш ва бокс бўйича шуғулланиш учун барча шароит яратилган.

Мажмуада аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида махсус курслар ҳам фаолият юритаяпти. Айни кунларда ушбу маскан ёшлар ва хотин қизлар билан гавжум.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

"Ishonch"— Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

Июл — декабр ойлари учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Ishonch
2013-yil 29-iyun № 78 (3271)

Юксак рағбат ва эътибор — фаоллик омили

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикрини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб, ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етди. Бугун босма нашрларнинг қарийб 53 фоизи, теле ва радиоканалларнинг 64 фоиздан зиёди, веб-сайтларнинг эса 98 фоиздан ортиғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Мамлакатимизда яшайдиган миллат ва элатларнинг тўққиз тилида босма нашрлар фаолият юритмоқда, кўп тилли веб-сайтлар сони ҳам ошиб бормоқда. Телекоммуникациялар тизими сунъий йўлдош орқали дунёнинг 180 мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Президентимиз Ислом Каримов баён этган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги каби қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда матбуот вакиллари фаол иштирок этмоқда. Бу оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини янада мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорига биноан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларга бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Бу нашриёт-матбаа ишларини модернизациялашни давом эттириш, ходимларга иш ва қалам ҳақи тўлаш ишларини, кадрлар салоҳияти ва малакасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг фаол журналисти» анъанавий республика кўрик-танлови фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида кечаётган ислоҳотларни халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойи журналистларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилги танловга 142 ҳамкасбимиз томонидан 3 мингга яқин ижодий иш тақдим этилди.

Тадбирда «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танловининг бу йилги ғолиб ва совриндорларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга фаол ҳисса қўшаётган бир гуруҳ журналистлар тақдирланди.

Мамлакатимиз медиа муҳити ривожида заҳматкаш ноширлар, матбаа соҳаси ишчи-хизматчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ноширлар ва матбаа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши нашриёт», «Энг яхши матбаа корхонаси», «Энг яхши муқоваловчи», «Энг яхши босма устаси» ва «Энг яхши технолог» номинациялари бўйича ўз мукофотларини таъсис этди. Йиғилишда мазкур номинациялар бўйича ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири Насриддин Асриддинов, Қорақалпоқ давлат университети Журналистика кафедраси катта ўқитувчиси, «Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси» масъул котиби Тамара Машарипова, «Uzbekistan Today» газетаси мухбири Екатерина Соболева юртимиз оммавий ахборот воситаларини жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш ва ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Давлатимиз раҳбарининг табригини тинглаб, мустақил Ватанда эркин ижод қилиш катта бахт эканини яна бир карра чуқур ҳис этдик, — дейди «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови ғолиби, НТТ телеканали мухбири Ҳабиб Пўлатов. — Бундай танловлар ва юксак ғамхўрлик ижодий рағбат, фаоллик ва изланишга ундайди. Юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самараларнинг аҳамиятини оммага янада тезкорлик ва холислик билан етказиш борасидаги ишларимизга янги куч-қувват бағишлайди.

Байрам тадбири санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Икромов иштирок этди

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА мухбири.
Отабек МИРСОАТОВ
(ЎзА) олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетларини муомалага чиқариш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Билет олд томонининг юқори қисмида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI» ёзуви мавжуд.

Чап қисмида нақшинкор элементлар фонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Гербнинг пастки қисмида еттита рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Нақшинкор рамканинг ўнг ва чап бурчакларининг қуйи қисмида, шунингдек, Гербнинг ўнг тарафида билетнинг қийматини билдирувчи «5000» рақами тасвирланган.

Гербнинг ўнг тарафидаги «5000» рақами устига йирик ҳарфлар билан «SO'M» сўзи ёзилган. Ушбу тасвир тепасида билет қиймати сўз билан «BESH MING» кўрсатилган.

Нақшинкор рамканинг пастки қисмида «O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART» ёзуви жойлашган.

Банкнотнинг жигарранг нақшинкор рамкаси, «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI» ёзуви, Герб, ўнг ва чап томондаги «5000» рақамлари бўртиб туради, ушлаб кўрилганда сезилади.

Оқ рангли сатҳда жойлашган «5000» рақами унинг диагонали бўйича фарқланган икки хил рангда ишланган. Рақам тепасида билетнинг номери ва серияси такрор кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмида қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини бронза рангидан яшил рангга ўзгартирувчи ва ушлаб кўрилганда билинадиган бўртиб турувчи нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил «2013» кўрсатилган.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмларида рангли нақшинкор безаклар жойлашган бўлиб, пастки безак устида «5000» рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида «OLIY MAJLIS» меъморий биноси, бино гумбазининг тепасида Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи тасвирланган.

Расмнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи «5000» ва «SO'M» ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан «BESH MING» кўрсатилган.

Уларнинг пастки қисмида турли баландликдаги, қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини ёрқин тилла рангдан оч яшил рангга ўзгартирувчи иккита «5000» рақамлари жойлашган.

Шунингдек, банкнотнинг «5000» рақамдаги қиймати унинг юқори ўнг бурчагида ҳам тасвирланган.

Пастки қисмида «O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNGA MUVOFIQ TAQIB QILINADI» ёзуви жойлашган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари, айни пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.



Навбаҳор туманидаги «Аброр Хондамир келажаги» хусусий корхонасида кунига 30 квадрат метр беш турдаги йўлак плиталари ишлаб чиқарилаётир. Сифатли қурилиш маҳсулотларига буюртмачилар сафи тобора кенгаймоқда.

Суратда: корхона ишчиси Аҳрор Хўжаназаров.

Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат

Китоб — бебаҳо хазина

Олтиариқ туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ҳамда 90 дан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари аҳоли, айниқса, ёшлар орасида китобхонликка қизиқишни кучайтириш бўйича қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда. Бошланғич ташкилотларда ташкил этилган «Маънавият соатлари»да мамлакатимизда ўтказилаётган кенг қамровли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш хусусида сўз юритилмоқда. Ҳозиргача «Маънавият соатлари»да 5 мингдан ортиқ тингловчи иштирок этди.

Китобхонликни ривожлантиришга қаратилган ишлар режасида китобхонлик мавзусига бағишланган кеча ва давралар, севимли адиб ва шоирлар билан учрашувлар уюштириш, китоб кўргазмалари ташкил этиш, таниқли ижодкорларнинг янги асарлари тақдимотларини ўтказиш, китобхонликка оид турли танловлар тайёрлаш ва амалга ошириш каби тадбирлар кўзда тутилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида «Ҳаётимиз янада эркин ва обод бўлсин!» мавзуида қатор китоб кўргазмалари уюштирилди.

Касаба уюшма ташкилотлари «Китобхонлик ҳафталиги», «Китобхонлар байрами» каби маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишда ҳам фаол қатнашмоқда. Кези келганда, «Китобхон мактаб» ва «Китобхон оила» танловларини ўтказиш ҳамда ғолибларни тақдирлашда касаба уюшма кенгашининг ҳиссаси катта бўлганлигини таъкидлашни истардим.

Муяссар ФАЙЗИМАТОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари Олтиариқ туман касаба уюшмаси кенгаши раиси

КЎРИК-ТАНЛОВ

Касаба уюшмалари ҳаракатини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда меҳнат жамоаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бошланғич ташкилотларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови қизғин паллага кирди. Машинасозлик саноати соҳалари республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси хизматидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида мазкур танловнинг биринчи босқичи якунланди.

Кейинги босқичга йўлланма

Андижон вилоятидан «GM - Uzbekistan» ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси, «ЎзКоджи» қўшма корхонаси, Фарғона вилоятидаги «Фарғона Авто Глаес» МЧЖ қўшма корхонаси, «FERNE» МЧЖ қўшма корхонаси, Самарқанд вилоятидан «Самавтозавод» МЧЖ ҳамда Тошкент шаҳридан «Оникс» очиқ акциядорлик жамиятининг бошланғич ташкилотлари кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Металлургия саноати соҳасида эса «Ўзметкомбинат» ОАЖ ҳамда «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўта чидамли металлар комбинати» ОАЖ касаба уюшма ташкилотлари фаолияти юқори баҳоланди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2012» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Аъло Абдуллаев — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Фотоахборот таҳририяти фотомухбири — Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузи акс этган фоторепортажлари учун.

Саидолим Абдураҳмонов — «Адолат» газетасининг махсус мухбири — Жамият ҳаётида юз бераётган демократлаштириш жараёнлари акс этган, долзарб масалалар ёритилган таҳлилий-танқидий материаллари учун.

Насриддин Асриддинов — «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири — Ёшлар маънавиятини юксалтиришга бағишланган «Бугуннинг гапи» ток-шоулари учун.

Эркин Ёдгоров — «Бухоронома» газетасининг иқтисодиёт бўлими муҳаррири — Вилоятда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар кенг таҳлил этилган мақолалари учун.

Барчиной Жўраева — ЎзМТРК «Дунё бўйлаб» телеканали Ахборот-таҳлилий дастурлар муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари — Истиқлол йилларида республикамизда эришилган ютуқлар, халқимизнинг бой маданий мероси, миллий анъана ва қадриятларини кенг тарғиб этишга қаратилган «Дунё ичра дунё — Ўзбекистоним!» туркумидаги кўрсатувлари учун.

Мамадиёр Зиёдинов — «Халқ сўзи» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири — Мамлакатимизда ва вилоятда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг кўлами ва самаралари, шунингдек, қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши тўғрисидаги мақолалари учун.

Луиза Маҳмудова — «Туркистон -пресс» нодавлат ахборот агентлиги Халқаро ахборот таҳририяти бош муҳаррири (интернет-журналистика) — Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсати, унинг стратегик устувор йўналишлари мазмун-моҳияти таҳлилий ёритилган материаллари учун.

Тамара Машарипова — Қорақалпоқ давлат университети Журналистика кафедраси катта ўқитувчиси, «Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси» масъул котиби — Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига доир педагогик ва ижодий фаолияти учун.

Ҳабиб Пўлатов — НТТ телеканали «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури мухбири — «Мустаҳкам оила йили» ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурлари ижроси ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун.

Озода Яхшибоева — Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири — Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оширишга қаратилган давлат сиёсатини тарғиб этган материаллари учун.

ҚУЙИДАГИ ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ ТАНЛОВНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИЛАР:

Меҳри Абдураҳмонова (Жиззах вилояти). — Вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар бошқармаси нашри — «Келажак бунёдкори» газетаси бош муҳаррири

Муқаддас Абдусаматова — Фахрий журналист

Арухан Акпанбетова — «Нурлы жол» газетасининг адабиёт, маданият ва санъат бўлими мухбири

Шоҳида Даманова — «Миллий тикланиш» газетаси мухбири

Мукаррам Жалилова — ЎзМТРК «Тошкент» телерадиоканали «Пойтахт» ахборот дастури бош муҳарририяти бўлим мудири

Мафтунахон Мамасиддикова — (Фарғона вилояти) — «Марғилон-ТВ» телеканали муҳаррири

Раҳим Мақсудов (Навоий вилояти) — «Қизилтепа тонги» туман газетаси бош муҳаррири

Камолиддин Мингбоев (Сурхондарё вилояти) — «Сариосиё» туман газетаси мухбири

Анорбой Норқулов (Сирдарё вилояти) — «Мирзаобод» газетаси бош муҳаррири

Муҳаммад Обилов (Наманган вилояти) — Вилоят телерадиокомпанияси «Олтин замин» радиоси бош муҳаррири

Оллоберган Ражабов (Хоразм вилояти) — «Хоразм ҳақиқати» газетаси агросаноат бўлими мудири

Екатерина Соболева — «Uzbekistan Today» газетаси мухбири

Нигора Шофайзиева (Тошкент вилояти) — Ангрен шаҳар «Улуғ йўл» газетаси муҳаррири ўринбосари

Жаҳонгир Эгамназаров (Андижон вилояти) — «Тараққиёт» телерадиокомпанияси муҳаррири

Дилфуза Қўзиева — «Фермер» журнали масъул котиби

О. МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат

Келажак овози

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Камолот» ЁИҲ ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда ўтказаётган анъанавий «Келажак овози» кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.

Ёш истеъдодларни кашф этиш, уларнинг истеъдодларини ҳар томонлама қўллаб- қувватлашга хизмат қиладиган мазкур тадбирда қатнашиш истагида бўлган йигит-қизлардан 8565 та ариза тушди. Улар орасидан тадбирнинг қуйи босқичларида сараланган қарийб 700 нафари вилоят босқичига йўлланма олди.

Айни кунда таълим муассаларида, жумладан, касб- ҳунар колежларида ёшларнинг чуқур билим олишлари, изланишлари, янгиликка интилишлари учун катта имкониятлар эшиги очилгани ўз самарасини бераётир. Бу эса танловнинг ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмаларида намоён бўлмоқда.

Соҳа мутахассислари, олимлар, ҳунарманд усталар, рассомлар, шоир ва ёзувчилардан иборат ҳакамлар ҳайъати тадбирнинг архитектура ва дизайн, адабиёт ва публицистика, анъанавий ва амалий санъат йўналишларида иштирокчилар томонидан тақдим этилган ижод намуналарини баҳолаб, муносибларни республика босқичига тақдим этдилар.

Ўз мухбиримиз

Фахр-ифтихоримиз тимсоли

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ана шундай мураккаб бир пайтда узоқни кўзлаб амалга оширилган оқилона ислоҳотлар самарасида Ўзбекистонимиз қисқа вақтда ўзининг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигига эришди.

Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 16 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ 1994 йил 1 июлдан миллий валютамиз — сўмнинг муомалага киритилиши мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлади.

Бугун истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирганда иқтисодиётимизнинг изчил ривожланиши, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляция даражасининг пастлиги, аҳоли фаровонлигининг юксалаётганлиги билан бир қаторда миллий валютамизнинг барқарорлашиб бораётганини ҳам фахр билан тилга оламиз.

2008 йилда бошланган ва ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳатто ривожланган давлатларнинг иқтисодий салоҳиятини, пул-кредит сиёсатини жиддий синовдан ўтказмоқда. Кўплаб мамлакатларда давлат қарзи ва миллий бюджетлар тақчиллиги муаммоси ҳал этилмасдан қолмоқда.

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарорлигини таъминлаш имконини берди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, юртимизда тайёрланган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар пул-кредит сиёсатининг изчиллигини таъминлаш, миллий валютамизнинг тўлов қобилиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Пулимизнинг барқарор валюталардан бирига айланиб, тобора мустаҳкамланиб бораётгани халқаро молия муассасалари томонидан эътироф этилмоқда. Номланиши ҳам, кўриниши ҳам турлича бўлган пулларнинг орасида бизнинг сўмимиз ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уни кўрганимизда қалбимизда миллий ғуруримиз жўш уради. Ўзбекистон фарзанди эканимиздан фахрланамиз. Зеро, дунёда ўз миллий валютасига эга бўлмаган давлатлар ҳам йўқ эмас.

Миллий валютамиз нафақат мамлакатимиз иқтисодий қудратининг, балки халқимиз маънавий, маърифий ва маданий салоҳиятининг кўзгусидир. Унда юртимизнинг бой тарихи ва буюк келажаги ўз аксини топган. Ўзбек сўмини қўлига олган кишининг қадим Самарқанддаги Регистон майдони, Тиллакори, Шердор мадрасалари, Гўри Амир мақбараси каби тарихий обидалар, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, «Истиқлол» санъат саройи, Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали тасвирларига кўзи тушади ва уларни келиб кўришни ҳавас қилади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, сўм ҳақидаги илк маълумотлар X-XI асрларга мансуб бўлиб, дунёдаги ҳеч бир валютанинг номи бунчалик қадимий эмасдир. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилишича, «сўм» сўзи «соф» маъносини билдиради. Буюк ипак йўлида савдо ривожланган ўрта асрларда, айниқса, Амир Темур даврида у халқаро аҳамият касб этган.

Истиқлол шарофати билан бу қадимий, табаррук сўз яна тилимизга қайтди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан миллий валютамиз «сўм» деб аталди.

Ўн тўққиз йилдирки, бу қадимий сўзни ҳар куни тилга оламиз, ўзимизнинг миллий валютамиздан фойдаланамиз. Бу валюта давлатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, ҳамюртларимиз қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, мустақиллигимизнинг муҳим рамзларидан бири бўлган миллий валютамиз мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти, халқимиз фахр-ифтихори тимсолидир.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

МАТБУОТ АНЖУМАНЛАРИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси «Давлат активларини бошқариш тизимидаги ислоҳотлар: давлат активларини бошқариш маркази, унинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифалари» мавзуида матбуот анжумани ўтказди.

Давлат активларини бошқариш маркази

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан собиқ Давлат мулки қўмитасининг Давлат мулкини бошқариш департаменти ва «Мулк-Инвест» ДУП негизида Давлат активларини бошқариш маркази ташкил этилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад давлат активларини самарали бошқариш, ягона техник-иқтисодий, ишлаб чиқариш сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, шунингдек, инвестициялар жалб қилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳамда уларнинг янги турларини ўзлаштиришни таъминлашдан иборат.

Матбуот анжуманида мавзу юзасидан атрофлича маълумот берилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз

Юксалаётган соҳа

Республикамизда 5200 та корхона қурилиш материаллари саноати тизимида фаолият кўрсатаяпти. Ўтган йили «Ўзқурилишматериаллари» АК тасарруфидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми 1506 млрд. сўмни ташкил этди.

Маълумки, ҳукуматимиз қурилиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, кадрлар тайёрлаш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган (коллеж ва лицейлар, мактаб таълими ва якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини қўллаб-қувватлашга оид) дастурлар қабул қилинди. Янги саноат объектлари, йўллар, кўпқаватли уйлар, ижтимоий ва маиший объектлар бунёд этилди. Мавжудлари реконструкция қилинди. Жараён ҳануз давом этаётир.

2005-2012 йилларда товар маҳсулотларининг ўртача йиллик ўсиш суръати таққослама нархларда 11,3 фоиз бўлиб, товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баробарга ўсди. Қурилиш материаллари саноатига инвестицияларни жалб этишнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 53,6 фоизни ташкил этди.

Сўнгги йилларда қарийб 30 турдаги янги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада уларни республикага импорт орқали келтириш ҳажми сезиларли даражада камайди. Аксинча, ушбу қурилиш материалларини ҳам экспорт қилиш имконияти яратилди. 2013-2015 йиллар мобайнида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қатор корхоналарни ишга тушириш кўзда тутилаяпти. Айни чоғда компания зиммасида турган асосий вазифалардан бири корхоналарда халқаро стандартларга мос сифат менежменти тизимини жорий этишдир. Ўтган йилнинг бошида 14 та корхонада ИСО 9001:2008 сифат тизими жорий этилган бўлса, йил охирига келиб, яна 5 та корхона сифат сертификатини қўлга киритди. 2013-2014 йилларда бу кўрсаткич янада ошади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзқурилишматериаллари» АК «Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноатининг ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ишлар» мавзуида ташкил этган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз юритилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Пенсия неча ёшдан тайинланади?

Таҳририятимизга газетхонлардан пенсия тайинланиши, тўланиши, тўхтатиб қўйилиши каби масалаларда кўплаб саволлар келиб тушмоқда. Бу ҳақда батафсил маълумот олиш мақсадида Пенсия жамғармаси Юнусобод туман бўлими раҳбари Дилфуза Ғафуровага мурожаат қилдик.

— **Мамлакатимизда қандай тоифадаги фуқаролар давлат пенсияси билан таъминланади?**

— «Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга биноан фуқаролар қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминланишдан иборат давлат пенсияларини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу қонунда давлат пенсияларининг қуйидаги турлари белгиланган: ёшга доир пенсия; ногиронлик пенсияси; боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

— **Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи қандай белгиланган?**

— Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

— **Ногиронлик пенсияси олиш ҳуқуқини берадиган иш стажи ҳақида ҳам маълумот бersangиз?**

— Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қуйидагича иш стажи бўлган тақдирда белгиланади:

- 20 ёшга қадар 2 йил иш стажи бўлган тақдирда;
- 23 ёшдан 26 ёшга қадар 3 йил иш стажи бўлган тақдирда;
- 26 ёшдан 31 ёшга қадар 5 йил иш стажи бўлган тақдирда;
- 31 ёшдан 36 ёшга қадар 7 йил иш стажи бўлган тақдирда;
- 36 ёшдан 41 ёшга қадар 9 йил иш стажи бўлган тақдирда;
- 41 ёшдан 46 ёшгача 11 йил иш стажи бўлган тақдирда;
- 46 ёшдан 51 ёшга қадар 14 йил иш стажи бўлган тақдирада;
- 51 ёшдан 56 ёшга қадар 17 йил стажи бўлган тақдирда;
- 56 ёш ва ундан ошганда 20 йил иш стажи бўлган тақдирда.

20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилгандан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъи назар тайинланади.

— **Агар фуқаро пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаса-чи?**

— Пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар ушбу Қонуннинг 37-моддасида назарда тутилганидек камида 5 йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, бор иш стажига мутаносиб миқдорда тайинланади.

— **Ёшидан қатъи назар қандай кишилар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга?**

— Ёшидан қатъи назар қуйидагилар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга:

а) кон саноатидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимлар — башарти улар ана шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлсалар;

б) бевосита ер ости ва очиқ кон ишларида, кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахта ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар — башарти улар ана шу ишларда камида 25 йил ишлаган бўлсалар;

в) учувчи ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимлар улар хизмат қилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, белгиланган хизмат муддатини ана шу лавозимларда эркаклар камида 25 йил ва аёллар камида 20 йил адо этган тақдирда.

Юқорида қайд этилган ходимлар саломатлигига кўра, учиш ишларидан бўшатилган тақдирда белгиланган хизмат муддатини эркаклар камида 20 йил ва аёллар камида 15 йил адо этган бўлсалар;

г) театр ва бошқа театр томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари:

- ижодий иш стажи камида 20 йил;
- ижодий иш стажи камида 25 йил;
- ижодий иш стажи камида 30 йил бўлганда.

д) спортчиларнинг айрим тоифалари - иш стажи камида 20 йил бўлганда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

— **Қайси пенсия турларига устама ҳақлар қўшиб ҳисобланади?**

— Устама ҳақлар тайинланаётган пенсиянинг турларидан қатъи назар қўшиб ҳисобланади.

— **Чет элга ишга юборилган ходимларнинг меҳнат стажи қандай тартибда ҳисобланади?**

— Бундай ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда уларнинг чет элга ишга юборилишидан олдинги иш ҳақи ҳисобга олинади.

— **Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатларни қараб чиқиш муддати неча кун?**

— Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар топширилган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан қараб чиқилади.

— **Қайси вақтда пенсияни қайта ҳисоблаш шарт бўлади?**

— Пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда;

- ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;
- боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;
- энг кам иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда;
- даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

— **Пенсионер озодликдан маҳрум қилинган тақдирда, унга пенсия тўланадими?**

— Пенсионер озодликдан маҳрум қилинган тақдирда тайинланган пенсияни тўлаш озодликдан маҳрум қилинган давр учун тўхтатиб қўйилади.

— **Маълум сабабларга кўра, ўз вақтида олинмай қолган пенсияни тўлаш қандай амалга оширилади?**

— Пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги уч йилдан ошмаган давр мобайнида тўланади. Пенсия тайинловчи ёки тўловчи органнинг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

Марям АҲМЕДОВА
суҳбатлашди.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган молмулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларини бажаришга Мирзо Улуғбек тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қонун устувор

Шу мақсадда жорий йилнинг 1-чорагида 110 млн. сўмдан зиёд акциз маркаси билан маркаланмаган, сақланаётган, сотилаётган, ноқонуний ишлаб чиқарилаётган алкоголли ичимликлар, озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари олиб қўйилган. Ушбу маҳсулотларнинг истеъмол, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқлилиги экспертизадан ўтказилиб, баҳоланган ҳолда судга юборилган ҳамда суднинг қарори асосида давлат даромадига ўтказилган.

Айни пайтда Президентимизнинг фармон ва қарорлари, ҳукуматимиз қарорлари мазмун-моҳияти ҳамда давлат солиқ тизими фаолиятини республика марказий ва маҳаллий ОАВда мунтазам ёритиб бориш ва уларни тадбиркорлик субъектлари диққат-эътиборига етказиш мақсадида туман ДСИ иш режаси асосида семинар-йиғилиш ва давра суҳбатлари ташкил этиб келинмоқда.

Темур ЖЎРАЕВ,
Мирзо Улуғбек туман ДСИ шўъба бошлиғи

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК тизими корхоналарида маҳсулот экспорти кўламининг ортиб бориши» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Экспорт салоҳияти ошмоқда

Ҳукуматимиз томонидан енгил саноат корхоналари ривожланиши учун яратилган шарт-шароит ва кўрсатилаётган амалий ёрдамлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва бу орқали тайёр маҳсулотлар экспорти ҳажмини кўпайтиришга кенг имкон яратди. Бугунги кунда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибида 290 га яқин корхона фаолият кўрсатаётган бўлиб, 2013 йилнинг январ-май ойлари якуни бўйича улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 761,8 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119 фоиз ўсишни таъминлади. 344,4 млн. доллар миқдоридаги енгил саноат маҳсулотлари дунёнинг 50 га яқин мамлакатига экспорт қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташқи савдо компаниялари билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида Лотин Америкаси давлатлари, Финляндия, Канада, Саудия Арабистони, Марокаш, Тунис, Швейцария, Австрия, Венгрия ва бошқа давлатларга енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш салмоғи ортди.

Муқобил бозорларни аниқлаш мақсадида компания корхоналари Россия, Болтиқбўйи республикалари, Туркия ҳамда Малайзияда ўтказилган енгил саноат маҳсулотлари кўргазмалари ва ярмаркаларида иштирок этди. Ҳозирда йирик экспортёр корхоналар томонидан Европа Иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Осиё давлатларида 40 дан зиёд диллерлик тузилмалари фаолият юритмоқда.

Анжуманда журналистларга батафсил маълумот берилди ва уларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Сарвиноз ТЎХТАЕВА,
ЎзМУ талабаси

Тизим ривожи йўлида

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан мазкур тизимни ривожлантириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда миллий интеллектуал мулк тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Бу борада Президентимизнинг 2011 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофазалаш билан боғлиқ масалалар қаторида ушбу муассасанинг ташкилий тизимидаги ўзгаришларга асос солинган.

«Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, қатор қонун ва кодексларнинг тегишли моддалари янгиланди.

Агентлик ваколатли давлат органи сифатида ташкил этилганидан буён интеллектуал мулк объектларига 15 минг 494 та, шу жумладан, ихтироларга 1290 та, фойдали моделларга 354 та, саноат намуналарига 384 та, товар белгиларига 1272 та, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига 727 та, селекция ютуқларига 24 та, товар келиб чиққан жой номларига 3 та талабномалар қабул қилинди.

5435 та интеллектуал мулк объекти Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилди.

Матбуот анжуманида агентлик вакиллари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Мунира МУҲАММАДИЕВА,
ЎзМУ талабаси

Камерал назорат натижасида

Камерал назоратни янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат солиқ қўмитасининг (2011 йил 26 март) «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини камерал назоратдан ўтказиш ва улар асосида аниқланган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган ҳолатлар бўйича солиқ текширувларини ташкил этиш тўғрисида»ги низоми жорий этилди.

Туманимиз ДСИ жамоаси ҳам ушбу масалада изчил фаолият юритяпти. Жорий йилнинг 1 июн ҳолатига кўра, ҳисоботлар бериш мажбуриятига эга бўлган 4138 та корхона бўлиб, 1-чорак давомида шулардан топширилган ҳисоботларнинг 3252 таси камерал назоратдан ўтказилди. Натижада 307 та корхона ҳисоботларида камчилик борлиги аниқланди. Жумладан, 72 корхонанинг 158 та ҳисобида реквизитлари нотўғри тўлдирилган ёки тўлиқ эмас. 235 корхонанинг 245 та ҳисоби эса тўғри ҳисобланмаган. Шу боис ҳисоботлар қайта кўрилиб, камчиликлар бартараф этилди. Жами 3 млрд. 574,0 млн. сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қўшимча ҳисобланди. Кўрилган чора-тадбирлар хулосасида қўшимча ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловлар ундирилди. Ҳисоботлардаги камчиликларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларга киритилаётган қўшимча ҳамда ўзгаришлар, камерал назорат мазмун-моҳияти ОАВ интернет сайтлари, шунингдек, давра суҳбатлари, семинарлар орқали тарғиб қилинмоқда.

Д.ҚОБИЛОВ,
Миробод туман ДСИ бўлим бошлиғи

ТАРБИЯВИЙ СОАТ

Кўп қаватли уйда яшаймиз. Ҳар куни кечга яқин болаларимни уйимиз олдидаги майдончага олиб чиқаман. Улар қўшни ўртоқлари билан ўйнаб, онаси бор-йўқлигини ҳам ёддан чиқаришади. Шунда аёллар фарзандларининг ўжарлиги, қайсарлигидан шунақанги нолийдики, асти қўяверасиз. Муаммони ҳал қилишга келганда айбни бувисига, бувасига ағдариб, аммасига «тортганини» рўкач қилиб, ёки янаям осони, уларнинг ўжарлигига замонни айблаб, ўзлари оппоқ бўлиб тураверишади.

Болани бошидан...

Ҳақиқатдан ҳам болаларда вужудга келадиган ўжарлик, қайсарлик ёш билан боғлиқми ёки оилавий муҳит таъсирими?

Истаймизми-йўқми, ҳар бир боланинг табиати, феъл-атвори турлича. Аммо болаликдаги инжиқликлару, қайсарликлар доим бирбирини такрорлаб келади.

Болалардаги инжиқликнинг бош омили атрофдаги одамларнинг улар шахсига адолатсиз, нотўғри, менсимай муносабатда бўлиши натижасида келиб чиқади. Бола хулқида муайян шароитнинг таъсири билан вужудга келадиган ўжарлик, эркалик, гап уқмасликнинг мавжудлиги унинг психикасида жиддий ўзгаришлар рўй берганлигини, эндиликда унинг ҳозирги ўсиш даражасини ҳисобга олиб, муносабатларни эҳтиёткорлик билан амалга ошириш зарурлигини билдиради.

Аввало, болаларда вужудга келадиган иллатларнинг сабабини у камол топаётган муҳитдан, унга кўрсатилаётган тарбиявий таъсир, шароит, шахсни шакллантираётган жараёндаги камчиликлардан қидириш лозим.

ЭРКАЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ

Лайло Тойирова, психолог:

— Эркаланиш билан вужудга келадиган ўжарлик 3 ёшли болалар руҳий оламида кўп учрайди. Айнан бу ёшдан бошлаб болаларда ўз шахсий «мен»и ривож топа боради. Эндиликда, уларнинг шахсий оламида «бу менинг онам, бу менинг хонам, менинг ручкам» каби янги маънавий қирралар пайдо бўла бошлайди. Бу ёшдаги болаларда уларга нисбатан ҳаддан зиёд меҳр қўйиш, эркалатиш, талаб-истакларини сўзсиз адо этиш натижасида эркалик ва ўжарлик юзага кела бошлайди. Шунингдек, бола хулқ-атворини, бажарган ишларини мақтайвериш, ўринсиз талтайтириш ёки унга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш ҳам бунга сабаб бўлади. Ўжарлик пайдо бўлган болага муомалада, уни беҳуда эркалатмаслик, мақтамаслик, барча орзу-истакларини қондирмаслик керак. Хоҳ оилада, хоҳ боғчада барчага бир шароитда эътибор бериш, болани ўз ҳолига ташлаб қўймаслик ўжарликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Кўп ҳолларда бола руҳий оламида катталарга нисбатан пайдо бўлган гина-адоват ҳам қайсарлик, ўжарликка етаклайди. У ўкинади, ичдан куйинади, ҳимоячиси йўқлигидан куйиниб, руҳиятида салбий ўзгаришлар кучайиб боради.

Фарзандларимизни ўз майлига ташлаб қўйиш, жуда эрта эркинлик «ҳадя» қилишлик бола шахсини тезроқ такомиллаштиришга хизмат қилмасдан, балки ҳаётий фаолиятида мураккаб вазиятлар пайдо бўлишига замин яратади.

ЁМОН ОДАТ

Катталарнинг қизиқ одати бор. Қариндош ёки дўстининг боласини гапга солатириб, аксарият ҳолатларда «Онангни кўпроқ яхши кўрасанми ёки отангни», дея мурожаат қилишади. Онасининг ҳадиклaридан қўркиб қолган бола, албатта, иккаласини ҳам бирваракайига яхши кўраман, дейди, аммо дилида...

Ўзига бироз ишончи борлари эса аксарият ҳолда дадамни, дея баралла жавоб қайтаради. Бунинг сабаби қаерда? Болалар нима учун уззукун улар билан бирга бўладиган оналари ўрнига оталарининг имкониятларини юқори баҳолашади?

Малика Жамолова, Шофиркон туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси, тўрт фарзанднинг онаси:

— Фарзанд тарбиясида болани тергаб туриш лозим, лекин бу вазиятда ота-она бирови-бировига тарафгир бўлмаслиги лозимлигини айтишган. Агар болани онаси тергаётганда отаси тарафгир бўлса, бола ундан мадад кучи излайди ва натижада оилада онанинг ўрни пасайиб боради. Шусиз ҳам кун бўйи онасининг тергашларидан безиб қолган бола отасининг биргина «боламни ўз ҳолига қўй», деган сўзидан қувватланиши табиий.

Ҳар бир миллатнинг ўз тарбия тамойиллари бор. Улар келажак авлод вакилларига йиллар давомида эришган ҳаётий тажрибалари силсиласида таълим-тарбия беришади. Айтайлик, япон психологлари тарбияда 90 фоиз эркалаш, 10 фоиз қаттиққўл бўлиш керак, деб ҳисоблашади. Бизнинг ўзбек психологлари эса бу борада бутунлай бошқача фикрда: тарбия жараёнида боланинг эришган, эришаётган ютуқларини 60 фоиз мақтов, 40 фоиз танбеҳ билан амалга оширган маъқуллигини айтиб ўтишади.

Бола камчиликларини юзига айтавериш унинг ўзига нисбатан ишончсизлик, қўрқув, хавотир туйғуларини юзага келтиради.

Ширин Атахўжаева, Тошкент шаҳридаги 480-махсус МТМда дефектологи:

— Болалардаги ўжарлик сабабини ота-оналарнинг ўзидан излаш керак.

Катталар билан бола ўртасидаги муносабатнинг бузилиши туфайли унинг ҳатти-ҳаракатида ўжарлик пайдо бўлади. Бунинг асосий сабаби, болада ўзининг ички кечинмалари ҳис-туйғуларига боғлиқ ҳаракатларини мустақил бажариш истаги туғилиши «мен» билан боғлиқ бутунлай янги нуқтаи назарнинг вужудга келишидир.

Кузатишлардан маълумки, мазкур ҳолатлар боланинг руҳий дунёсига таъсир қилиб, у ўзининг ножўя қилиқлари катталарга асло ёқмаётганлигини англайди, ичидан чуқур изтиробга тушади.

Юлдуз Абдиева, Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника шифокори:

— Шифокорлар организмнинг физиологик жиҳатдан тез суръатлар билан ўсиши натижасида ҳам бола шўх, серғайрат, тинибтинчимас, ҳамма нарсага қизиқувчан бўлиб қолишини исботлашган. Баъзи ота-оналар боласига маълум вазифани топшириб, унинг натижаси билан қизиқмайди. Бу каби вазиятга тушган бола катталар ўзига нисбатан ҳурматсизлик қилаётганлигини англайди, натижада улар мени писанд этишмайди, деган хулосага келади.

Ҳаёт фаолиятида катталар бола шахсини ҳурмат қилишлари, унинг эҳтиёжлари билан ҳисоблашишлари, ҳис-туйғуларини бошқариш имкониятларини ўрганиши керак. Болани севиш ва унинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, қизиқишларига эътибор бериш ўжарликнинг олдини олишнинг муҳим шартидир.

БОШ ФАРЗАНД МАСЪУЛИЯТИ

Ҳинд эпосларининг бирида шундай воқеа келтирилади. Бир оила уч фарзанди билан ўрмонда кечки пайт адашиб қолишади. Шунда уларнинг олдидан ёвуз махлуқ чиқиб, қорни очлигини, уч боладан бирини емоқчилигини айтади. Бундай ҳолатдан ҳаяжонга тушган ота катта фарзандини, она кичик фарзандини қучганча қалтираб туради. Шўрлик ўртанча фарзанд олдинга чиқиб: Эй, махлуқ оиламизда отам доим катта акамни кўз очиб кўрганим, дея еру кўкка ишонмайди, онам укамни кенжатойим, деб суйиб, эркалайди. Мен улар учун ҳар доим ортиқча бўлганман, кел мендан бошлайқол, дейди.

Албатта, бу ҳикоят, уни қандай таҳлил қилиш кишиларнинг ўзига ҳавола. Аммо бугунги кунда ҳам «ойим опамни ёки укамни кўпроқ яхши кўради, улар учун менинг керагим йўқ», деб ўксинадиган болалар учраб туради.

Аслида, фарзанд шундай улуғ неъматки, ҳеч бир ота-она бирини-биридан устун қўйишни истамайди. Ҳар бирига жону жаҳонига тенг меҳр кўрсатишга қодир, лекин арзимас сабаблар туфайли эътибордан бироз четда қолаётгандек ҳис қилаётган болалар ўзларида бегонасираш-ни ҳис этишади. Мутахассислар ота-оналарни, болаларини бир-биридан ажратиши ўзини баҳолаш ҳолатларини пасайтириб юборишини, натижада оиладагиларига нисбатан меҳри сусайиб боришини таъкидлашган. Бу, айниқса, ўсмирлик даврида тараққий этади.

Баъзида айрим болаларнинг «нима, оилада бош фарзанд бўлиб туғилишим айбми, ҳамма муаммолар менинг бўйнимда, укамга қараш, уй ишларига кўмаклашиш, ҳовли-жойни тозалаш менинг бўйнимда-ю, меҳмонга боришда эса кичик укам дарров тайёр-а», деб нолиганларини эшитиб қоламиз. Ҳақиқатдан ҳам бош фарзанд бўлиб туғилиш «азобми?»

Психологлар бу борада ҳақиқатдан ҳам бош фарзанд масъулияти юқори эканлигини тасдиқлашган. Ота-она бош фарзандига қандай тарбия йўлини олиб борса, кейинги фарзандлар ҳам унга эргашади. Укалари доим унинг ортидан боришга, опасидек кийинишга ёки яхши ўқишга интилишади.

Бола ижтимоий ҳаёт қонун-қоидаларининг 70 фоизини 5 ёшгача эгаллар экан. Шунинг учун уни болалигидан гўзал туйғулар эгаси бўлишига замин яратайлик.

Навбаҳор РАҲМОНОВА

ТУРИЗМ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғузор туман кенгаши раиси Эшпарда Ниёзов пойтахтга саёҳат қилиб келишимизни айтганида хурсанд бўлиб кетдик. Туманлардан йиғилган 22 та ўқитувчилар оиласи Тошкент сари йўл олди. Дарвоқе, ўзим Ғузор агробизнес касб-ҳунар коллежида ишлайман, турмуш ўртоғим Маҳбуба Файзиева эса тумандаги 29- умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беради.

Таассуротлар бир олам

Йўл-йўлакай Самарқандда ҳам тўхтаб, қадимий шаҳарни яна бир бор зиёрат қилдик. Бу ерда маҳаллий касаба уюшма фаоллари бизни ҳурмат-эътибор билан кутиб олишди.

Пойтахтдаги икки кунлик саёҳатимиз жуда сермазмун кечди. Ўзбек Миллий академик драма театрида «Ойдин» спектакли премьерасини томоша қилдик.

Тошкентда бўлмаганимга ҳам уч-тўрт йил бўлганди. Пойтахтимиз шунчалик ўзгарибдики, таниёлмай қолдим. Осиё қитъасида ягона бўлган «Бунёдкор» стадиони барчамизни ҳайратга солди. Ўзбек футболини янги, порлоқ саҳифалар кутиб турганини чин юрақдан ҳис қилдик.

Қад кўтарган янги кўпқаватли уйлар, маданият ва санъат кошоналарига боқиб, дилимиз ғурур ва ифтихорга тўлди. «Қатағон қурбонлари» хотира майдонини айланар эканмиз, бугунги озод ва обод турмуш осонликча қўлга кирмаганини ёдга олдик.

Сафаримиз давомида барча шароитга эга «Саёҳат сари» меҳмонхонасида қўниб, вақтимиз хуш ўтди.

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарёга оламолам таассурот билан қайтдик, дилларда бу каби саёҳатларга яна чиқиш истаги туғилди.

Сайфиддин ЭСОНОВ,
Ғузор агробизнес касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси



Бухоро шаҳридаги «Қоракўлча» номли 80-мактабгача таълим муассасасида 76 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда.

Муассасада ўтказилаётган ўқув, тўгарак машғулотларида умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида камолга етаётган болалар дастлабки билимни пухта ўзлаштирмоқда.

Суратда: *тарбияланувчилар (чапдан) Раҳима Соҳибова, Шаҳноза Ашурова, Равшан Тўраев ва Шерзод Эргашов.*

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 29 мартдаги 91-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 19 июндаги 09 к-ПО-сонли буйруғига мувофиқ «Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт Маркази» очиқ акциядорлик жамияти, «Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт Маркази»ни хусусийлаштириш тартибида ташкил этилган бўлиб, мазкур Марказнинг вориси ҳисобланади, унинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги барча мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги МЧЖ «YODGOR LAZZAT» билан МЧЖ «MUSLIMA HUMO» ўртасидаги 2012 йил 31 декабрдаги 8/12-сонли ижара шартномаси бекор қилиниши муносабати билан МЧЖ «YODGOR LAZZAT» 2013 йил 1 июлдан ўз фаолиятини тугатади.

Реклама ва эълонлар

«Surxondaryo mulk markazi» MChJда бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога такроран Сурхондарё вилоятидаги давлат автокорхоналарини тугатилиши ва қайта ташкил этиш бўйича ҳудудий комиссиясининг 15.02.2012 йилдаги 4-сонли йиғилиш баёнига асосан тугатилаётган Денов туманидаги 2516-сонли давлат автокорхонасини тугатиш комиссиясининг 2013 йил 12 апрелдаги 5-сонли йиғилиш қарорига асосан Денов туман Туркистон кўчаси 34-уй манзилда сақланаётган Денов туманидаги 2516-сонли давлат автокорхонаси балансида бўлган қуйидагилар қўйилмоқда

1. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 577 бўлган, 1980 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 11 757 000 сўм.**
2. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 699 бўлган, 1984 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 11 757 000 сўм.**
3. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 594 бўлган, 1983 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 11 757 000 сўм.**
4. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 605 бўлган, 1983 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 11 757 000 сўм.**
5. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 683 бўлган, 1983 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 11 757 000 сўм.**
6. Зил 431610 русумли д/р 19 AF 690 бўлган, 1981 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 11 757 000 сўм.**
7. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 757 бўлган, 1980 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 11 757 000 сўм.**
8. Зил 431610 русумли д/р 19 AD 597 бўлган, 1980 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 11 757 000 сўм.**
9. ГАЗ 2411 русумли д/р 19 AD 462 бўлган, 1986 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 1 502 000 сўм.**
10. Камаз-5410 русумли д/р 19 AG 570 бўлган, 1984 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 15 077 000 сўм.**
11. Камаз-5511 русумли д/р 19 AG 545 бўлган, 1988 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 18 252 000 сўм.**
12. Камаз-5511 русумли д/р 19 AG 552 бўлган, 1985 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 18 252 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 29 июл куни соат 11.00 да Денов туман Туркистон кўчаси 34 - уй манзилидаги 2516-сонли автокорхонаси биносида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 26 июл куни соат 18:00.

Юқоридаги мулклар 2013 йил 29 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 14 август ва 21 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 12 август ва 19 август кунлари соат 18:00.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН: 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

2011 йил 25 октябрдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т\р	Объект номи	Бошланғич қиймат, млн. сўм	
		ҚҚС сиз	ҚҚС билан
1.	**«Жиззах вилояти Арнасой тумани прокуратураси биносини капитал таъмирлаш»**	370,563	444,676

Ишларни тугаллаш муддати: **2013 йил 31 декабргача.**

Ишларни молиялаштириш: **«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бюджетдан ташқари жамғармаси» маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси, 65-уй.

Телефон: (8372) 226-25-61.

Диққат! Бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоиз ташкил қилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметини 20 фоиз миқдоридаги айланма малағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.

Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел\факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 минг сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати - оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах ш., Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

Хизматлар лицензияланган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашма кенгашининг ҳайдовчиси Вайит Юлдашевга онаси

ҲАЛОВАТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 22.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 611 | 19431 nusxada bosildi | 12 45